

Оксфорд масжиди озиқ-овқат банкини очди



08:00 / 25.02.2021 1889

Муҳтожлар сонини камайтириш бўйича иш олиб борган Оксфорддаги масжид янги озиқ-овқат банкини очди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди. Бу эса ўз навбатида муҳтожларни иссиқ овқат ва энг зарур нарсалар билан таъминлашга ёрдам беради.

Марказий Оксфорд масжидининг хабар беришича, банк 25 февраль пайшанба куни ўз фаолиятини бошлайди.

«Бепул мактаб таомлари ташаббусимиздан буён бошқарув қўмитаси сеvimли шаҳримизга ёрдам бериш учун мунтазам равишда иш олиб бормоқда», дейилади масжиднинг facebook саҳифасида.

Озиқ-овқат банки эҳтиёжмандларни шампунь, совун, сочиқлар, болалар салфеткалари, тагликлар, ёрмалар, гуруч, сариёғ, консервалар,

қуритилган мевалар ва шарбатлар билан таъминлайди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг октябрь ойида масжид юзлаб мактаб ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш ташаббусини илгари сурган эди.

Бу йил масжид ўз автотураргоҳини яна очди.